

## ГУРУР

**“Алпомиш” эпоси яратилганлигининг 1000 йиллик тантаналари қалбимизга гурур ва шукуҳ бағишлади. Буюк дostonнинг дунё бўйлаб шуҳратидан атрофлича ҳикоя қилувчи куйидаги мақола мана шу гуруримизга гурур, шукуҳимизга шукуҳ бағишлайди деган умиддамиз.**

Тахририят

Америкалик машҳур тарихчи олим Хасан Поксой билан мен саккиз йил олдин Ўрта Осиёга бағишланган халқаро бир йиғилишда танишгандим.

Уша йиғилиш мутасаддилари анжуманининг биринчи кунни мени бир олим қидириб юрганини айтишиб, у мени қайси ерда кутиб туришини ҳам айтишди. Мен ўша ерга борсам, баланд бўйли, соқол-мўйлов кўйган, ўта замонавий кийинган, кўлида асо ушлаган ўрта ёшлардаги киши жилмайиб, мен томонга кела бошлади ва мулоимлик билан менинг саволимга жавоб қайтарди:

- Ҳа. Сизни қидириб юрган

ган. У бир вақтнинг ўзида АҚШ ҳамда Оврупо мамлакатларига жойлашган бир қатор халқаро ташкилотлар таркибида маслаҳатчи вазифаларида ҳам фаолият кўрсатган.

Узоқ йиллар мобайнида Хасан Поксой дунёга донғи кетган Харвард университети Яқин Шарқ тадқиқотлари марказида ва бир вақтнинг ўзида Марказий Коннектикут университети Тарих бўлимида, кейинчалик Амхерстдаги Массачусетт университетида профессор лавозимларида ишлаб келди. Сўнгги йиллари Хасанбек Франклин университе-

## ЎЗЛИГИ

Профессор Хасан Поксойнинг Буюк Британия илм даргоҳларида яратган дастлабки ийрик асарлари “Алпомиш” — Ўрта Осиёнинг ўзлиги рус хукими остида” деб номланган бўлиб, у Хартфорд шаҳрида (Коннектикут) монография туркумида 1989 йили босилиб чиққан. Мазкур китоб муаллифининг истаги билан биринчи фольклористлардан бўлган “Абубакир Аҳмадҷон Диваев (1855-1933) ва унинг маънавий меросхўрларига” бағишланган.

Муаллифининг эътироф этишича, бу китоб Англиядаги асосан Бодлеан кутубхонаси, унинг Шарқ адабиётлари ўқув хонаси, Оксфорд университетининг Шарқшунослик Институтини, Муқаддас Антони коллежи, Муқаддас Антони коллежи қошидаги Яқин Шарқ маркази кутубхоналари, Лондон

назарияни Х.Поксой келтиради ва бу назарияни тўлалигича қабул қилган кўрилади.


Бошқа бир ўринда Х.Поксой “Тоҳир ва Зухра” романтик дoston бўлиб, “Алпомиш” асосида тўқилган” деган хукмга келса-да, буни аниқ далилламайди.

Китобнинг иккинчи боби “Алпомиш” дostonини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар. Биринчи уриниш” деб номланиб, унда дастлаб Ўрта Осиёдаги рус мустамлакачилик сиёсати ва бу сиёсатга қарши ўрта осиеликлар олиб борган ҳаракатларнинг биринчи доноси ёритилган. Мазкур бобнинг иккинчи қисмида шўро мустамлакачилик сиёсати, ягона Туркистоннинг бўлиб ташланиши, алифбони ўзгартириш сиёсати, “Алпомиш” дostonининг ман этилиши тарихий илмий изоҳлар ва тарихий ҳужжатлар асосида батафсил баён қилинган. Бу масаланинг ёрити-

Боровков, Ҳоди Зариф, Жирмунский, З.В.Тўғоннинг бу масалага оид фикрлари кенг таҳлил қилиб, мантқан тўғри хулосалар чиқарган.

Х.Поксой Алпомиш сўзининг келиб чиқиш тарихи - этимологиясини ҳам аниқлашга ҳаракат қилиб, бу сўзнинг илмда мавжуд бир неча изоҳларини келтиради. Х.Поксойнинг ёзишича, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи Тароқима” асариде Кайрмишбейнинг қизи, Машибейнинг хотини Барчин номи эслатилиб ўтилади. Таникли турк олими Абдулқодир Иноннинг тахминига қараганда, “Алпомиш” сўзи “алп” ва “Мамиш” сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган: Алп+Мамиш > Алпомиш.

Олим “Алпомиш” сўзининг яна бир этимологиясини бериб, бунда бу сўз “Алп” ва “эмиш” сўзларидан ясалган деган фикрни олға суради: Алп + эмиш > Алпомиш.



Хайрулла ИСМАТУЛЛА,  
Индияна  
университети  
профессори

устиде тўхталди, улар ўрта-сидаги фарқларни аниқлайди, дostonнинг нашрлари, ноширлари ва тадқиқотчилари хусусида қизиқ маълумотлар беради.

Унинг кўрсатишича, Фозил Йўлдош ўғли оғзидан 1928 йили ёзиб олинган “Алпомиш” 14 минг сатрдан иборат. Дostonнинг бу варианты Ҳамид Олимжон томонидан 1939 йили қисқартирилиб нашр этилган. Лев Пенковский эса мана шу нашрни рус тилига икки марта қисқартириб таржима қилган.

Х.Поксой “Алпомиш”нинг 1899 йилги Қозон (“Қисса-и Алфамиш”), 1916 йилги Тошкент нашрларини ҳам қиёсий ўрганган.

Юсуф бин Хожа Шайхулислом ўғли оғзидан 1899 йили ёзиб олинган “Алпомиш” варианты бу бобда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариант билан қиёслаб тадқиқ этилган.

Кичик Осиё, Туркияда “Бамси Байрак” номи билан маълум бўлган дoston, Х.Поксойнинг фикрича, “Алпомиш” дostonнинг бир вариантыдир. “Алпомиш” ва “Бамси Байрак” дostonларининг қиёсига бағишлаб, Х.Поксой алоҳида илмий иш ҳам эълон қилган.

Тадқиқотчи рус шўро адабиётчиси Жирмунскийнинг “Алпомиш” дostonига оид айтган фикрларини таникли ўзбек олими Ҳоди Зариф домла асарлари билан қиёслаб чиқиб, ажойиб бир ҳақиқатни тиклаган. Х.Поксойнинг хулосасига кўра, Жирмунский ўз мансаб ва обрўларини Ҳоди Зариф ёзганлари асосида топган. Хасанбекнинг Оксфорд университети ўқувхоналарида бундан 30 йил олдин чиқарган бу хулосасига ҳозирги кунларда жуда кўп ўрта осиелик мунаварлар қўл қўйган бўлардилар. Хасанбек ўрта осиелик ҳамкасблари айта олмасдан, дилларида тугиб юрган гапни ўз китобида бутун дунёга эшиттириб, баралла айтган.

“Алпомиш” дostonининг минг йиллик тўйи муносабати билан машҳур олим Хасан Поксой ҳақида ёзишимга тўғри келди. Ёзиш ниятимни Хасанбек билмайди. Мен унга бу ҳақда хабар бермадим, барча нашр этган асарлари рўйхатини сўрамадим. Узимда йиғилган илмий тадқиқотлари билангина чегараландим. Босиб, Хасанбек ўзи ҳақида кўп гапирмайди, бошқаларнинг мақташини ҳам истамайди. Чин олимларга хос бўлган фақат бир нарса-ни ёқтиради: кам гапириб, кўп, ҳалол, сифатли ишлашни.

Буюк Навоий ҳазратлари пок олимлар хусусида ушбу мисраларни ёзган эканлар:

**Бировкин қилса олимларга таъзим,  
Қилур гўёки пайгамбарга таъзим.  
Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳадис,  
Ки “Олим келди пайгамбарга ворис”.**

Хасан Поксой туфайли “Алпомиш” дostonи сўнгги 20 йил давомида фарб дунёсида янада кенг тарқалди, машҳур бўлди.

Бу сафар “Алпомиш” туфайли биз Харвард университети профессори Хасан Поксойни ўз ота-боболари юртига тарғиб этишни, олимга эса амалга оширган барча кутли ишлари учун таъзим этишни бурч санадик.

# ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ВА АЛПОМИШ РУҲИ

менман. Исми - Хасан. Хасан Поксой, - деб ўзини таништирди.

Хасан Поксойни кўришим билан асримиз бошларидаги халқни саводли қиламан деб жонини жабборга беришга тайёр бўлган жасоратли жадидлар кўз олдимга келди. Хасан Поксой билим доирасининг жуда кенглиги, бир неча тилларда она тилидек суҳбатлаша олиши, самимийлиги ва энг муҳими барча туркий халқларни ўз халқи, бир халқ деб билиши мени мафтун этди.

Хасан Поксой кам гапириб, кўп иш қиладиган инсонлар сирасига киради.

## УЧ МАМПАКАТДА ИЛМ ОЛГАН ОЛИМ

Хасан Туркияда 1948 йили туғилган. Уша ердаги Измир ўқитувчилар коллежини тугатиб АҚШ га ўқиш учун келган. У 1976 йили Даллас шаҳридаги Техас университетини битирган. Шундан сўнг Буюк Британияга бориб, докторантура Англиянинг машҳур Оксфорд университетиде ўқиб тугатган ва докторлик диссертациясини ўша ерда ёзиб, ёқлаган.

Тарихдан маълумки, мустамлакачилар биринчи навбатда ерли халқнинг ўзига хос тарихий ёдгорликларини, анъаналарини, ўзлигини йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Ўрта Осиё халқларининг энг машҳур тарихий, адабий ёдгорликларидан бири “Алпомиш” дostonидир. Мустамлакачилар ўзларининг чиркин қўлларини бу дostonга ҳам уриб, 50-йилларда “Алпомиш”ни ман этишга муваффақ бўлгандилар. Бу ҳол Хасанбек докторант бўлган Англиядаги Оксфорд университети олимлари эътиборидан ҳам четда қолмаганди. Х.Поксой Оксфорд университети мухитида “Алпомиш”ни чуқур тадқиқ эта бошлади ва натижада шу мавзунин докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилди.

Х.Поксойнинг Ўрта Осиё тарихи ва адабиётига бағишланган илмий тадқиқотлари Буюк Британия, Америка, Туркия, Германия, Франция, Япония, Голландияда чоп этил-

тида ҳам профессорлик қиляпти.

АҚШ университетларида дарс бериш билан бирга Х.Поксой ноширлик иши билан ҳам шуғулланди. Х.Поксой АҚШда Ўрта Осиёни тадқиқ этиш уюшмасини тўзиб, унга президент бўлиб ҳам сайланди ҳамда “Ўрта Осиёни тадқиқ этиш уюшмаси бюллетени”га (“AACAR BULLETIN”) бош муҳаррирлик ҳам қилди. Улуғбек “Зиж”и, Хусайн Бойқаро рисоласидан тортиб ҳозирги ўзбек тарихий ҳикояларига ҳам бўлган мавзулардаги илмий тадқиқотлар мана шу бюллетен орқали кенг ўқувчилар оmmasига тақдим этилди.

Х.Поксойнинг севган соҳаларидан бири туркий халқлар фольклоридир. “Алпомиш” ҳақида катта асар яратган бўлса-да, у қайта-қайта бу мавзуга мурожаат этади, туркий халқлар қаҳрамонлиги, донолиги акс эттирилган бу дostonнинг янги кирраларини топишга, айтилмаган фикрларни айтишга ҳаракат қиладди. Бошқа тадқиқотчиларнинг “Алпомиш”га бағишланган асарлари майдонга келса, Хасан домла, албатта, биринчи бўлиб бу ишга ўз муносабатини билдиради. Мабодо бирор олимнинг иши қўқиб қолса, тезликда уни шарҳлайди, инглиз тилига таржима қиладди ва ўз изоҳлари билан АҚШ ёки Оврупо матбуотида чоп эттиради. Айрим ҳолларда ўзбек олимлари ишларини бошқа мутахассисларга таржима қилдириб, ўз журналида чоп этади.

Фан доктори Наим Каримовнинг “Алпомиш”нинг қатли ом этилиши (“Шарқ қолдузи”, 1992, 12-сон) тадқиқоти илк бор АҚШнинг Мадсон шаҳридаги Висконсин университети тадқиқотчиси Шон Лайонс томонидан таржима қилинганди. Х.Поксой бу ишни ўзи муҳаррирлик қиляётган “Ўрта Осиёни тадқиқ этиш бюллетени”да босиб чиқарди.

## “АЛПОМИШ” — ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ

университетининг Шарқшунослик ва Африкашунослик бўлими, Британия кутубхонаси ва бошқа илмий марказларида сақланаётган асарлардан фойдаланиб ҳамда машҳур ўрта осиешунос олимлар ва мулоим кутубхона ходимларининг илтифотидан баҳраманд бўлиб яратилгандир.

Х.Поксойнинг бу китоби кириш, тўрт боб, библиография, кўрсаткич ва иловадан иборат.

Х.Поксой “Алпомиш”нинг Абубакир Диваев ва Ҳамид Олимжон нашрларини яхши ўрганган. Ҳозир Олим, З.В.Тўғон, М.Ҳабдуллин, Ҳоди Зариф, В.Жирмунский ва Тўра Мирзаев каби олимларнинг тадқиқотлари билан муаллиф танишиб чиққан ва бир қатор ўринларда шуларга суянган.

Хасан Поксой ўз китобига “Алпомиш”нинг 38 саҳифадан (832 қатордан) иборат бўлган 1901 йилги араб ёзувидаги Абубакир Диваев вариантыни асос қилиб олган ва унинг тўла инглизча таржимасини ҳам китобига илова қилган.

Китобнинг биринчи боби “Алпомиш ва туркий дoston жанри”га бағишланган бўлиб, бунда муаллиф “Алпомиш шарқий Олтои ва фарбий. Урол тоғларидан тортиб Туркистонгача бўлган ҳудудда машҳур бўлиб, айтилиб келинаётган дostonдир. Дoston туркий халқларнинг озодлик учун курашини ўзида акс эттиради” деган тўғри гоёни олға суриб, туркий дostonнинг келиб чиқиши тарихини тадқиқ этади. “Ўғузнома”, “Манас”, “Гўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тоҳир ва Зухра” каби халқ оғзаки ижодида мансуб асарлар билан “Алпомиш” дostonи ўртасидаги муносабат хусусида бу бобда билдирилган фикрлар фақат китобхонларни эмас, балки фольклоршуносларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этади.

Айрим ўринларда олға сурилган фикрлар ҳозирги баъзи туркийшунос олимлар томонидан тўғридан-тўғри қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Масалан, таникли турк олими Абдуқодир Инон яратган “Ўғуз ҳоқон ҳақидаги дoston илк дoston - бирламчи дoston бўлиб, бошқа дostonлар мана шу дoston таъсирида яратилган” деган

лиши бўйича бизда шу кунгача профессор Наим Каримов мақоласидан бошқа бирор эътиборли илмий тадқиқот ҳануз яратилгани йўқ.

Х.Поксой бу масаланинг илмий очиб ташлаган. Рус-шўро мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳиятини биргина “Алпомиш”га бўлган муносабатда аниқ кўрсатиб бера олган.

Китобнинг учинчи бобида “Алпомиш” дostonи нашрлари ва уларнинг ўзига хос томонлари тадқиқ этилган.

Бундан деярли 99 йил олдин, 1901 йили Тошкентда Ильин босмахонасида чоп этилган. “Алпомиш”нинг Абубакир Диваев наشري биринчи нашр бўлганлиги учун ҳам Х.Поксой эътиборини ўзига жалб этган. Дostonнинг бу варианты бахши Жумамурод Бекмуҳаммад ўғли тилидан ёзиб олинган бўлган.

Х.Поксой “Алпомиш”нинг шу 1901 йилги нашрини унинг 1922 йилги қайта нашри билан қиёслайди ҳамда бир қатор фарқли ўринларини аниқлайди.

Бу бобнинг диққатга сазовор томони шундаки, унда “Алпомиш”нинг тил хусусиятлари тадқиқ этилган. Тадқиқотчининг ҳисобига қараганда, “Алпомиш”нинг бу наشري 9 минг сўздан иборат.

Биргина 1923 - 1967 йиллар ўртасида “Алпомиш” бўйича 185 та китоб ва илмий тадқиқотлар яратилганлигини ва шунингдек, 1981 йилгача Ўрта Осиё туркий тилларида дostonнинг 55 та наشري чиққанлигини ҳам биз шу бобни ўқиб, биламиз.

Ўзбек фольклоршунослари, хусусан, фан доктори Умнат Тўйчиев (Қаранг, “Алпомиш” қачон яратилган?” “Миллий Тикланиш” газетаси, 1999 йил 24 август, 30-сон, 3-бет) ва Б.Саримсоқов, М.Жўраевлар (Қаранг, “Тадқиқ бошқа, тахмин бошқа”, “Миллий Тикланиш” газетаси, 1999 йил 28 сентябр, 35-сон, 3-бет) ҳозиргача “Алпомиш” дostonи қачон яратилганлиги хусусида республика матбуоти саҳифасида баҳслашиб юрибдилар. Бу масалани ҳам Хасан Поксой бундан 30 йил олдин нашр этилган ишида ёритиб берган (Шу китоб, 53,54-бетлар).

Х.Поксой олимлардан А.К-